ҒИЖДУВОН КУЛОЛЧИЛИК МАРКАЗИ: АНЪАНАЛАРНИ САҚЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Сурайё Алиева
ЎзР ФА Санъатшунослик институти
етакчи илмий ходими
санъатшунослик фанлари доктори

Аннотация: Мақола Ўзбекистонни машҳур мактабларидан бири Бухоро-Самарқанд мактабининг ёрқин маркази – Ғиждувон кулолчилик марказига бағишланган. Мақолада Ғиждувон кулоллик мактабининг тарихий илдизлари, анъаналарини сақлаш ва уни замон талаблари асосида ривожлантириш истиқболлари ёритилган. Шунингдек, соҳага инновацияларни жалб этиш ва уни халқаро миқёсда тарғиб қилиш орқали маданий туризм салоҳиятини ошириш масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: мактаб, марказ, анъана, шакл, нақш, сопол, сир, кашта.

Аннотация: Статья посвящена яркому центру одной из известных школ Узбекистана – Гиждуванскому гончарному центру – Бухарско-Самаркандской школе. В статье рассматриваются исторические корни и традиции Гиждуванской гончарной школы, а также перспективы ее развития с учетом современных требований. Анализируются также вопросы повышения потенциала культурного туризма путем привлечения инноваций в этот сектор и его международного продвижения.

Ключевые слова: школа, центр, традиция, форма, узор, керамика, глазурь, вышивка.

Abstract: This article focuses on the Gijduvan pottery center—a prominent hub of the Bukhara-Samarkand school, one of Uzbekistan's renowned ceramic traditions. It examines the historical roots and traditions of the Gijduvan pottery school, as well as prospects for its development in light of modern demands.

Additionally, the article analyzes ways to enhance cultural tourism potential by introducing innovations to the sector and promoting it internationally.

Keywords: school, center, tradition, form, pattern, ceramics, glaze, embroidery.

Ўзбекистон амалий санъатининг энг қадимий ва кенг тарқалган, ҳамда бугунги кунгача сақланиб келган турларидан бири – бадиий сирланган кулолчилик санъатидир. Ўзбек халқининг миллий ва маданий ўзлигини намоён этадиган муҳим омиллардан бири бўлган ҳам сирланган бадиий кулоллик санъатидир [1].

Ҳозирда Бухоро-Самарқанд кулолчилик мактабининг энг машҳур марказларидан бири Ғиждувон кулоллик марказидир. Ғиждувон кулолчилик маркази ўзида Бухоро-Самарқанд кулолчилик мактабининг ўзига хос хусусиятларини намоён этади [2].

Марказда кулолчилик буюмларининг турли шакл ва ҳажмдаги (товоқ), (хурма, хурмача, чоргуша, дугуша) деб номланган қумғонлар, катта ва кичик ҳажмли, конструкцияси бўйича мураккаб ёки оддий идишлар – (коса, шокоса, пиёла), қўзалар (кўза, офтоба) ва бошқа турли шаклдаги ассортиментлардан иборат сопол идишлар мавжуддир. Сирланган идишларни безашда мўйқалам билан чизилган “қалами” ва ангоб техникасида бажарилган ўймакор “чизма” усули кенг тарқалган.

Буюмлар чизма билан бир қаторда ёғоч ёки лой қолипга туширилган босма нақш (нақшин қолиб) ёрдамида ҳам безатилган. Уй-рўзғор буюми сифатида доим ишлатиладиган идишларни безатишда нақшни ўйиб чизиш техникаси (харош) ишлатилган, бу усул хом сопол намуналарида куйдиришдан аввал қўлланилган. Кенг тарқалган усуллардан яна бири абр, абри баҳор (тож. «баҳор булути») бўлиб, буюм бу усулда безатилганида рангли бўёқлар сопол идишни куйдиришдан олдин сатҳига суртилган. Ғиждувон кулолчилиги нақш безакларининг ўзига хос хусусияти – ундаги тасвирда зооморф унсурларнинг кўплигидир. Холбуки, сопол буюмлардаги

кўпгина безаклар ўзига хос геометрик шаклларда тасвирланган, нақшнинг номи улар зооморф тавсифда келиб чиққанлигини аниқлашга ёрдам беради.

Бухоро-Самарқанд мактаби кулолчилигининг асосий хусусиятидаги технологик омил – қўрғошинли сирлашни қўллаш билан боғликдир. Ғиждувон марказининг маҳсулотлари ўзига хос шакллари билан XX аср охири – XXI аср аввалги ўн йилликларида кулолчиликдаги мавжуд анъаналарни ривожлантирди. Бухоро – Самарқанд мактабининг марказлари кулолчилик маҳсулотлари нақшлар мажмуида ўсимликсимон нақшлар асосий ўрин эгаллайди. Ушбу бадиий ўзига хослик, айниқса Ғиждувон кулоллик марказида ўзини ёркин намоён этган. “Ислими” – ўсимлик новдалари нақши, барглар, мевалар, турли ўсимликларнинг гуллари - «жийдагул», «гули бинафша», «гули санжар», «мадоҳили лола», «атиргул», «чорбарг», «уч гул», «бодомгул», «қалампир» ва ҳоказолар Самарқанд-Бухаро мактаби кулолчилиги безак мажмуидаги асосий нақшлардир. Ҳандасавий нақшлар унда камроқ қўлланилади. Зооморф унсурлар тасвири, жумладан, қушларнинг яхлит тасвири асосан Ғиждувон бадиий кулолчилигида учрайди. Ғиждувон сирланган кулолчилиги учун «думи бургут», «илон изи», «бойқуш» сингари нақшлар хосдир. Мазкур мактабнинг турли марказларида сопол буюмларга безак бериш техникаси ўзига хос тавсифга эга. Масалан, Ғиждувон усталари сопол буюмларга, асосан, мўйқалам билан безак беришса, Ургут усталари сопол идишларни безатишда кўпинча ўймакор нақшни қўллашади. Хом ашё, жиҳозлар, материал танқислиги, ҳамда тайёр маҳсулотни етказиб бериш билан боғлиқ муайян молиявий-ташкилий муаммоларга қарамай, кулолларнинг янги авлоди 1990-йилларнинг ўрталарига келиб, аждодларнинг ушбу соҳадаги анъаналарини тиклайди ҳамда маҳсулотларнинг технологияси ва бадиий безалишига янги ижодий ёндашувларни олиб кирди. Умуман, сирланган сопол буюмларни бадиий безатишдаги изчиллик сақланиб қолган. Ҳозирда кулоллар ижодида индивидуал ўзига хосликка эришишга интилиш кучайиб бормоқда. Шу билан

бирга, сирланган бадиий кулолчилик санъатидаги бирламчи архетиплар (қадимий ва ўрта асрлар даври) ҳамда иккиламчи архетиплар (XIX – XX аср бошидаги предметли тасвир)нинг нақш тизимидаги изчил жараёни давом этмоқда. Шунингдек, кулолчилик безак санъатида замонавий бадиий жараёндаги янгиланишлар таъсирида ривож топган учинчи авлод архетиплари ҳам фаоллашмоқда. XX аср иккинчи ярмида пайдо бўлган янги пластик санъат шакллари ва анъанавий ҳунармандчилик фаолиятидаги ижтимоий шароитларнинг ўзгариши табиий ҳолда маҳсулотлар бадиий безагининг маълум трансформациясига, Ўзбекистон бадиий сирланган кулолчилиги нақш мажмуаси мазмунида ислом маданияти компонентининг тенглашувига олиб келган.

Бухоро-Самарқанд кулолчилик мактабининг сирланган бадиий буюмлари аввалги анъаналари кесимида ривож топди. Айниқса, Ғиждувонлик усталар Алишер ва Абдулло Нарзуллаевлар ва уларнинг шогирдлари, ургутлик уста Нугъмон Облоқулов ижодларида аниқ намоён бўлмоқда.

Юқорида номлари айтилган устазодалар ижодий изланишлари ва кулолчилик марказлари фаолиятида маҳаллий мактабларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг технологияси ва безак санъатини аслига мувофиқ равишда сақлаб қолишга иштилиш кузатилмоқда. Шуни айтиш жоизки, уларнинг ҳаммаси – устазодалар бўлиб, фақат “Устоз-шогирд” доирасидагина таълим олганлар. Уларнинг ижодидаги маҳаллий бадиий хусусиятлари, асосан, сирланган сопол буюм нақш безагининг ўзига хослигининг тавсифи билан аниқланади. Маҳаллий усталар ясаган маҳсулотларнинг шакл ва безакларидаги ўзига хос хусусиятларида индивидуал-ижодий изланишлар яққол ифодаланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин анъанавий бадиий ҳунармандчиликнинг истиқболдаги ривожига қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олинганлиги таъкидланган. Ўзининг суверен тараққиётининг илк

босқичларида иқтисодиий қийинчиликларга қарамай, давлат маданият ва санъат ҳомийсига айланди, жумладан, бадиий ҳунармандчилик соҳалари ривожига кенг йўл берилди, хусусий тадбиркорлик қўллаб-қувватланди, амалий санъат усталарига иқтисодий ва солиқ имтиёзлари берилди, бу ўз навбатида анъанавий бадиий ҳунармандчиликнинг тикланишини ва ривожланишини рағбатлантирди. Ғоявий қарашлар ўзгаргани ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди – миллий ўз-ўзини англаш жараёнининг тарихий жиҳатдан такомиллашуви маданий меросга бўлган қизиқишни уйғотди.

Ғиждувон кулолчилик мактабининг олтинчи авлод вакили, Ўзбекистон Халқ устаси Усто Ибодулло Нарзуллаев (1927–1987), қадимий Ғиждувон кулолчилик сирларини, табиий бўёқлар тайёрлаш ва хумдонда пишириш технологиясини сақлаб қолган. Бугунги кунда Ғиждувонда унинг фарзандлари Алишер ва Абдулла Назруллаевлар фаолият юритилаётган марказ ва кулолчилик музейи айнан Усто Ибодулло Нарзуллаев хотирасига бағишлаб қурилган. Марказ таркибида XX аср устаси Ибодулла Назруллаев хотирасига бағишлаб очилган кулолчилик музейи ва ноёб қўл меҳнати маҳсулотлари, каштачилик (сўзана) ва гиламларни харид қилиш мумкин бўлган миллий дўкон фаолият юритади. Шунингдек, Марказда сайёҳлар учун кулолчилик чархида лойдан идиш ясаш ва унга нақш чизиш бўйича махсус маҳорат дарслари ташкил этилади. Шундай марказ Тошкент шаҳрида хам очилди.

Алишер Нарзуллаев Ўзбекистон ҳалқ устаси, I Халқаро Қўқон хунармандчилик Фестивали Халқаро Гран-при соҳиби ва устазода кулол, укаси Абдулло Нарзуллаев билан бирга Ғиждувон кулолчилик анъаналарини сақлаб, ривожлантириб келмоқда. У 100 дан ортиқ қадимий анънавий нақшлар ва 50 дан ортиқ идиш шаклларини қайта тиклаган.

Бугунги кунда Алишер ва Абдулло усталарнинг фарзандлари ҳамда набиралари лой тайёрлаш, чархда ишлаш ва идишларга нақш чизиш сирларини тўлиқ ўзлаштириб, марказда фаолият юритмоқдалар.

Ғиждувон кулолларининг асосий сири — улар ҳалигача ҳеч қандай замонавий электр ускуналар ёки тайёр кимёвий бўёқлардан фойдаланмайдилар. Ҳар бир идиш қўлда шакллантирилиб, табиий ўсимликлардан олинган сир (ишқор) билан қопланади. Сирланган кулолчилик маҳсулотлари бадиий жозиба касб этишида, уни сирлаш технологияси муҳим ўрин эгаллаган. Буюм дастлаб, ишқор билан сирланиб, кейин қалай ва қўрғошин билан сирланган. Кулол усталарнинг маҳорати қўрғошинли сирлашни қўллашда намоён бўлган. Бундай сирлаш бадиий буюмнинг устки қатламига алоҳида ялтироқлик бахш этган. Асоси тўқ жигарранг, қизил, яшил-писта рангли кулолчилик буюмлар билан бир қаторда, асоси қизил рангдаги оқ-қора нақшли ёки асоси қора рангдаги оқ-қизил нақшли маҳсулотларни сирлашга эътибор бошланган. Нақшларнинг ўзаро мувофиқлиги ва уларнинг шаклдаги муайян қисмларга мутаносиблиги нақшнинг ягона безак тизимга бўйсундирувчи қоидалар аниқ ишлаб чиқилганлигини кўрсатади. Усталар буюмларни сирлашда улардаги турли композициялар, кулолчилик шаклларининг конструктив хусусиятларини ҳисобга олишган. Бадиий буюмнинг ҳар бир қисми, яъни - товоқнинг сатҳи, сополнинг хошияси, кўзанинг юқори (оғз) қисми – турли нақшлар қўлланган ҳолда, алоҳида безатилган. Бироқ бундан буюмнинг бадиийлик тимсолининг яхлитлигига путур етмаган.

Халқ усталарининг маҳоратини намойиш этувчи анъанавий сирланган кулолчилик – халқимизнинг умумжаҳон санъати хазинасига қўшаётган ноёб ҳиссаси эканлигидан далолат беради. Бугунги кунда анъанавий кулолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни фаол ривожлантириш – ўзбек миллий бадиий маданиятининг бетакрор қиёфасини намоён этиш, ушбу ноёб ҳунармандчилик турининг истиқболи юксаклигининг ёрқин далилидир.

Адабиётлар:

1. Хакимов А.А. Основные этапы и динамика развития орнаментального стиля поливной керамики Узбекистана 9-20 вв. // Международная научная

конференция «Керамика Узбекистана: семантика, форма и орнамент».- Ташкент, 2006; Хакимов А.А. Прикладное искусство Узбекистана: традиции и инновации.- Ташкен, 2013; Хакимов А.А. Ремесла Узбекистана. Книга-альбом.- Ташкент, 2023.

2.Алиева С.Ш. Гончарное ремесло Гиждувана //San`at. – 2000. - №3; Алиева С.Ш. Художественная поливная керамика Узбекистана IX – начало XXI вв.- Ташкент, 2009; Alieva S.Sh. Formation and development of the main schools of glaze ceramics on the territory of Uzbekistan IX - beg. XXI centuries // European Applied Sciences. – Stuttgart, Germany, 2018. – № 2. Pp.51-5; Alieva S.Sh. Features of ceramics of Fergana valley // Central Asian Journal of Arts and Design. 3 (6). - Spain, 2022. ISSN: 2660-6844. Pp. 5-8.